





Азиз китобхон!

Қўлингиздаги китобча — ёш шоир Машраб Бобоевнинг ижод боғидан сараланган илк шеърий гулдастаси.

Бу гулдастада Ватан ва она, диёр ва ёр ҳақидаги жозибадор шеърлар бор.



М А Ш Р А Б  
Б О Б О Е В

# ОНАМГА ХАТ

Ш е ъ р л а р

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ  
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ  
«Ё Ш Г В А Р Д И Я» НАШРИЁТИ  
Тошкент — 1971

Б 79

**Бобоев Машраб,**

Онамга хат. Шеърлар. Т., «Ёш гвардия»,  
1971.

56 бет. Тиражи 10000.

**Бабаев М.** Письмо к матери. Стихи.

Ўз 2

7—4—3

\* \* \*

Қорли тоғ ортида бұзаради уфқ,  
Қорли тоғ ортида жилмаяди тонг.  
Қорли тоғ ортидан ҳар кун қуёш чиқиб,  
Қайноқ ҳароратин этади эҳсон...

Қорли тоғ ортига бир йўл ўтиб кетган,  
Бу йўлдан кўзимни узмайман бир он.  
У гўё:

«Кел,— дейди —

Уфққа элтай,

Уфқ сеники,

Инсон!»...

Мени йўл чорлайди...

\* \* \*

Ноз уйқудан турган ҳуркак паридай,  
Ноз билан керишиб тонг ёяр қулоч.  
Чидаш беролмайсан нурлар зарбига,  
Чекил, тун зулмати,  
Чекил, нари қоч!..

Тонг қулоч ёяди...  
Уйғонар биров,  
Кетидан иккинчи, учинчи одам.  
Кўчага чиқишар...  
Чалиб қўнғироқ —  
Хизматга келади илк трамвай ҳам...

Оламни тўлдирган тонг нури каби,  
Одамлар шаҳарни тўлдирар бутун.  
Очилар ҳаётнинг янги варағи,  
Бошланади навбатдаги кун...

\* \* \*

Йўл —

Инсон умрига мазмун,

моҳият,

Йўл —

Инсонга меҳнат,

Ва бахт қилар тортиқ.

Шу йўлдан манзилга ўтган инсоният,

Елкасига тарихни ортиб.

Шу муқаддас йўлни қайирмоқ бўлганлар,

Аммо,

У интилган ҳамиша олға.

Уни маслагидан айирмоқ бўлганлар...

...У,

Барибир

Йўллигича қолган...

\* \* \*

Қаддин баланд тутиб,  
Юксакка интилиб,  
Қуёшда товланиб

Ял-ял ёнар байроқ.

Ўйни олиб қочар,  
Гоҳо тугён уриб,  
Гоҳ майин ҳилпирар,

Гоҳ тўлғонар байроқ.

—Юракмисан, — дейман,-

Мунча ороминг йўқ,

Қайларга чорлайсан,

Ундайсан неларга?!..

—Ҳа,

Мен юракман, — дер,-

Мени баландроқ тут,

Юрагингни кўрсат

Барча элларга...

— Ҳа,

Мен юракман,—дер,-

Қудратли сафдаги



Миллионлаб юрак ифодасиман.

Мустаҳкам,

Буюкман—

Курашлардаги

Чиниққан юраклар иродасидай...

— Ҳа,

Мен юракман, —дер,—

Миллионлар юраги,

Мени баланд тутиб

Жаҳон бўйлаб ўтгин.

Бутун инсон зотин паноҳимга чақир,

Миллионлар юрагин

Миллионлар тутсин!..

\* \* \*

Уйноқлайди шамол,  
Елади шамол.  
Қалбга тўлқин солар унинг қўшиғи.  
Атир гул ғунчаси кўрсатади жамол,  
Ёмғир томчисига тутиб тўшини...  
Анҳор шовиллайди телбаланиб,  
Жўшиб,  
— Кел, ўртоқ,  
Куйимга қулоқ сол! — дея.  
Сукунатнинг ўзи —  
Ажойиб бир қўшиқ,  
Назаримда  
Оқшом —  
Улкан симфония...  
...Тонг кўзини очиб,  
Жилмаяди нафис,  
Уфқ узра ёйиб зарҳал ҳошиясин...  
...Ҳар тонгни уйқудан шундай уйғотамиз,  
Мен —  
Ва оқшом симфонияси...

\* \* \*

Бу йўллар ўлканинг бош йўли эмас,  
Бу йўлларни санаб келолмайсиз бас.  
Бу йўллар бесаноқ ҳар битта тоғда,  
Ҳар дала, ҳар яйлов, ҳар бир ўтлоқда.  
Бу йўллар — ёшликка пиёда-яёв  
Йўл солган қишлоқи боладай асов.  
Гоҳо пастга эниб, гоҳ ўрлашиб тикка,  
Ҳар бири интилиб нурли уфққа,  
Хаёлни миндириб, йўртиб кетади,  
Гоҳо бир-бирини «туртиб» кетади.  
Югуришса ҳамки гўё ёнма-ён,  
Гоҳо элтишса ҳам бир манзил томон,  
Бирга қўшилишиб кетмас бу йўллар,  
Ҳар бири ўз йўлин излайди улар...

\* \* \*

Қиз боладай яшнар қизғалдоқ,  
Дилга ғулу ташлар қизғалдоқ.  
Тик соҳилнинг белига миниб,  
Юксакка тирмашар қизғалдоқ.

Ҳу пастида пишқиради сой,  
Тўлқин бўлиб жўш уради сой  
Оёғига бош уради сой,  
Бепарво, беҳабар қизғалдоқ.

Билар, сувсиз унга йўқ ҳаёт,  
Аммо, зарра қилмас илтифот.  
Бўлади-ю ғурури қанот,  
Кўкка бўйин чўзар қизғалдоқ.

Билар бир кун шамоллар уни  
Юлиб олиб маҳв қилишини...  
Шамолларга тутиб тўшини  
Ўсар, ўсар ўжар қизғалдоқ.

\* \* \*

«...Уларнинг қонлари тўкилган ерда  
Алвон лолалардан яшнади чаман...»  
Муаллим берилиб сўйлар ҳикоя,  
Берилиб тинглайди уни анжуман.

Ҳикоя шу ерда қолсин, муаллим,  
Қайта такрорламанг уни ҳеч қачон!  
Нодонлар йўқ эмас оламда ҳали,  
Гул кўкарсин дея... тўкишмасин қон...

\* \* \*

Ҳали тонг дуррасин ўрамаган тоғ,  
Ҳали,  
Қояларга нурлар кўчмаган.  
Аммо,  
Кўп уйларда одамлар уйғоқ,  
Кўп уйларда чироқ ўчмаган...

...Билмасам ҳам —

Нега шу пайтга қадар

Одамлар ухламас,  
Одамлар бедор —  
Беҳад бахтиёрман:  
Ёнар чироқлар,  
Шулар қаторида

Меники ҳам бор...

\* \* \*

Кўклам,  
Сендай бўлиш буюк армоним,  
Хислатларингга мен азалдан ўчман.  
Гулдираб,  
Ларзага солсам ҳар ённи,  
Яшиндай чақнасам,  
Шамолдай кўчсам!..  
...Бир зумда жўшасан оламга сиғмай,  
Бир зумда тинасан —  
Чарақлар осмон...  
...Сендай бўлсам дейман:  
Ҳар нафасимда  
Акс этса тўлқинли,  
чақмоқли замон...

\* \* \*

Ҳеч тушмасин дейман нуқтага кўзим,  
Нуқта —  
Лоқайдликнинг нишони.  
Нуқта билан тугамасин сўзим,  
Нуқта бўлмай дейман,  
Ишонинг!

Фақат хитоб бўлай,  
Фақат сўроқ бўлай,  
Ҳовримдан ларзага келсин само,  
Ер!  
Лоқайдликдан жуда ғайроқ бўлай,  
Асрим кайфияти,  
Ўзинг мадад бер!  
Тингунингча юрак,  
Совумагил бир зум,  
Тинсанг ҳам —  
Юлдуздай уч кўкдан!..

...Майли,  
Ҳайқириғим узилса-ю, бир кун,  
Бўлиб қолсам уч нуқта...



## БИЗ НАҚАДАР ЁШ ЭДИК...

(Урушда ҳалок бўлган тенгдошларимга)

Биз нақадар ёш эдик...

Эндигина қалбимизни қитиқлаганда баҳор,  
Эндигина дилимизда уйғониб ишқдан ниҳол,  
Эндигина кўшни қизин сайрга таклиф этганда,  
Эндигина бўса учун хилват боққа етганда,  
Атр бўйлар уфурувчи гуллар эгди бошини,  
Бошимизга соя солган толлар тўкди ёшини.  
Қора ажал — самолётлар босиб келди гувиллаб,  
Боғлар қолди ҳувиллаб...

Биз нақадар ёш эдик...

Болаликдан ёшлик томон кўприк қуриб ўтганда,  
Эндигина ҳаёт сўзин маъносига етганда,  
Севги майин ҳўпламайин,  
Ёшликнинг мазасидан,  
Эндигина тотмоқ бўлган ҳаётнинг лаззатидан,  
Пешонада насибанинг ҳаммасидан воз кечдик.  
Ўз хоҳишимиз билан...

Биз нақадар ёш эдик...  
Янги авлод сайрга чиқса сайри бузилмасин деб,  
Севги боғини қонли жанг майдонига алмашдик,  
Янги авлод севгисининг бўлмасин дея чеки,  
Қутлуғ севгимизни мардлик қалқонига алмашдик.  
Янги авлод бўса олса таъмига қонсин дея,  
Илк бўсани қизга эмас, ўққа қилдик ҳадя.  
Янги авлод бахтли бўлсин, қўймасин деб йўл тўсиб,  
Бахтга тўсиқ бўлганларнинг йўлига бўлдик тўсиқ.  
Янги авлод умрига ҳеч бўлмасин деб ниҳоя,  
Бизга бўлди йигирма йил яшашгина кифоя.  
Янги авлод турсин дея, биз турмадик оёққа,  
Янги авлод тўйсин дея, биз тўймадик ҳаётга.  
Йиғламасин фарзандидан айрилиб қолиб она,  
Янги авлод яшасин деб биз ўлдик ғолибона.  
Биз нақадар ёш эдик.

\* \* \*

Мени кўрди деган заҳоти  
Чарақлайди кўкда юлдузлар.  
Уйғонаман ҳаммадан олдин,  
Сўнг уйғонар барча кундузлар.

Уфқ мендан олади ол ранг,  
Қизаради тоғлар у ёни.  
Қуёш мендан зиёни олгач  
Ёритади бутун дунёни.

## БУХОРО

Бу қасрлар,  
Баҳайбат қасрлар,  
Замирида не асрор,

не сирлар...

Уларни бунёдга келтирган одам —  
Одам саналмаган неча асрлар...

Барбод бўлган бунда кимнинг тилаклари,  
Урмай қолган қанча инсон юраклари.  
Ғиштлар орасида қоришмалар эмас,  
Ўтибди қанчалаб инсан суяклари.

Бу қасрлар,  
Баҳайбат қасрлар  
Улар битгунча неча йил, фасллар —  
Неча йигитларнинг силласи қуриб,  
Муродга етмаган неча васллар.

Бу қасрлар —  
юлдузларга қараб,  
Уларни кашф этиб,

Сочларини тараб,  
Юксакликка чиққан донишманд халқнинг  
Улмас санъатидан беради дарак.

Бу қасрлар бошида бир зангори бўрк,  
Аммо халқим каби азиз ва суюк,  
Яратувчисидай фидо ва аъло,  
Яратувчисидай мағрур ва буюк...

Бу қасрлар,  
Халқим тарихидан сўйлайди асрлар.  
...Заҳматкаш халқимга қўйилган ҳайкал —  
Бу қасрлар,  
Баҳайбат қасрлар.

\* \* \*

Ҳаёт — китоб демак.  
Унинг ҳар сатри  
Бир оннинг изоҳи бўлмиш ибора.  
Оиланинг акс этар саҳифалари,  
Боблари —  
Йиллардан иборат.  
Мутолаа қилиб муттасил уни,  
Йиллардан йилларга ташлаймиз қадам...  
... Ҳаёт китобини варақлаб туриб,  
Китобга айланиб қоларкан одам...

\* \* \*

Кел.

Тонг бўлиб,

Қуёш бўлиб,

Гул бўлиб,

Қўшиқ бўлиб,

Ошиқ бўлиб кел.

Тақдиримга элтувчи йўл бўлиб,

Умримга ярашиқ бўлиб кел.

Бўлиб келгил

Муҳаббат,

Бахт,

Тоқат,

Қувонч бўлиб,

Қайғу бўлиб кел,

Ва —

Иссиғим,

Совуғим бўлиб кел,

Фақат —

Кўзларимга

Уйқу бўлиб келма.

\* \* \*

Гулхан ловиллайди.  
Шиддатли ёлқин —  
Ўпаман дегандай гўё осмонни..  
Ўқигандай бўлдим гулханга боқиб,  
Ҳаёт ҳақидаги буюк дostonни...

Гулхан ловиллайди..  
Чирик, мўрт шохлар —  
Чирсиллаб-чирсиллаб ёнар аламда.  
Бир зум ётади-ю, ерни қучоқлаб,  
Бир зумда йўқ бўлар —  
Бўлар аланга..  
Фақат,  
Гўё олов таъсирсиз каби  
Бир саксовул тезда бўлмади таслим.  
Гулханни сўндириб,  
Сўнгра қулади...

...Саксовул —  
Одамга ўхшаркан асли...



\* \* \*

Яна келди баҳор,  
Келди лола фасли.  
Кенгликларни босмиш лола қўшини.  
Қуёшда ер акси,  
Ерда қуёш акси...  
Фазо бўйлаб учар баҳор қўшиғи.  
Аммо,  
Ўлкалар бор йироқ-йироқларда,  
Уларнинг бошига зулмат соябон.  
Баҳор нола чекар алам, фироқларда  
Етолмай у ўлкалар томон.  
...Қўшиқ,  
Қуёш,  
Баҳор —  
Кирсин барча уйга,  
Кенгликлар лолага,  
Гулга тўлсин боғлар.  
Келинлар,  
Баҳорни бутун жаҳон бўйлаб  
Улашайлик,  
Ўртоқлар!

\* \* \*

Уфқ алвон. Уфқ ёнади.  
Қуёш чиқар, ботади секин.  
Қуёш чиқиб, ботади. Лекин —  
Уфқ алвон, уфқ ёнади.

\* \* \*

Соат чиқиллайди.  
Унинг ҳар «чиқ-чиқ»и —  
Ёшни улғайтириб,  
                                    Умрни қисқартар.  
Одам яшайди-ю,  
                                    Унинг ҳаётлигин  
Соатгина эслатар.

Ақл камолати,  
Атом асридамиз,  
Умрни соат-ла ўлчашни ташласак.  
«Мана мен!» деб ўтса ҳар бир дақиқамиз,  
Ўзимиз соатдай яшасак...

\* \* \*

Ўғлини етаклаб ўтади қўшним,  
Тили бийрон бола шўх, жуда бебош.  
Гўё болаликка бебошлик ҳусн,  
Ҳавас-ла боқамиз унга қари-ёш.

Ўғлим ҳам, қизим ҳам йўқ менинг, фақат  
Уч-тўртта бебошроқ шеърим бор холос.  
Армоним — қўшнимнинг ўғлига ўхшаб,  
Улар қўшнилarda уйғотса ҳавас...

\* \* \*

Ғир-ғир эсар дарёдан шамол,  
Салқин оқшом...  
Оламан ҳордиқ...  
Кўкда ой ҳам кўрсатди жамол,  
Нур либосга бурканди борлиқ.  
Шовқин солиб пишқирар дарё,  
Аллақайда кучук ҳуради,  
Кўшни сойда қурбақа сайрар...  
Авжга чиқар оқшом сурони...

Аммо шу пайт аллақаяқдан  
Қулоғимга оқади қўшиқ.  
Қайда бўлмай — яқин, узоқда  
Мени излаб топади қўшиқ...

Хаёлимни олиб кетар у,  
Бутун жисмим бўлади қулоқ.  
Тунги шовқин,  
Шарқираган сув,  
Менинг учун тинади шу чоқ...  
Тўса олмас қўшиқни ҳеч куч!

\* \* \*

## (Этюд)

Қайноқ ёз ўрнини эгалламиш куз,  
Дарахтлар тўкади битталаб япроқ.  
Хазонрезги боғда йигит билан қиз...  
Қалбларда ҳаяжон...  
Лабларда титроқ...

Жудолик япроқлар қаддини букар,  
Мунгли шивирлашар улар эртагин...  
...Бир ёнда дарахтлар баргини тўкар,  
Бир ёнда уйғонар севги куртаги...

\* \* \*

(Этюд)

Соҳилдаги бир шамшод терак  
Кўкка чўзган сарв қаддини.  
Мажнунтолга керилиб қараб  
Кўз-кўз қилар малоҳатини.

Унга шодон миниб олганча  
Мажнунтолга маҳлиё ҳилол.  
Мағрур бошин қуйи солганча  
Сувга дардин тўкар мажнунтол.

\* \* \*

Хонанда куйлайди,  
Қўшиқ парвозига  
Коинот қучоғи тор келади, тор!  
Қўшиқнинг тўлқини, эҳтиросидан  
Не-не тош юраклар эрир мисли қор...

Қўшиқнинг парвози ҳамон юксалар,  
Асирдир одамлар,

Асир табиат!

Толмасдан ўзини ойнага солар —  
Даврадаги бир гўзал фақат.

Қалбимни англарми одамлар дея,  
Хонанда куйлайди,

Ёниб куйлайди.

Даврадаги бир гўзал эса,  
Ўткинчи ҳуснини ўйлайди...



\* \* \*

Бир оташин бўса,  
Бир тансиқ бўса  
Йўлида заъфарон бўлди юзларим.  
Бўса йўли шунча йироқ бўлса —  
Менда нима гуноҳ,  
Дўстларим?

Бўса йўли —  
Лаблар ораси эмас,  
Қалблар орасига солинган...  
...Беқарор булбулга қилардим ҳавас,  
Ачинаман энди ҳолига.

У чин бўса дея елиб, югуриб,  
Гуллардан гулларга қўнаркан сарсон.  
Тополмагач ахир дардли ўкириб  
Тентираб кетаркан бош оққан томон...

Қалбингнинг сайёди бўлмиш қалбга йўл —  
Бахтга солинажак йўл экан асли.  
Шундан йироқ бу йўл,

Бахт йўлидай мушкул,  
Машаққатлари ҳам шундан эмасми!

Етиш учун бу йўл ниҳоясига  
Улкан юрак керак,  
Балки бутун умр...  
Шунда қонгунг ёрнинг олов бўсасига,  
Бахтингни имзолаб босилур муҳр...

Бир оташин бўса,  
Бир тансиқ бўса —  
Йўлларида тўртдир кўзларим.  
Бўса йўли шунча йироқ бўлса —  
Менда нима гуноҳ,  
Дўстларим?..

\* \* \*

Қадрламади У шоир севгисин,  
Ҳавасга айирбош қилди бир куни.  
Унга Бевафо деб қўйдилар исм,  
Бевафо деб таъқиб этарлар Уни.

Барча маломатлар даштидан ўтиб  
Шоир девонини қилди У маскан.  
Шоир қўшиқлари ичра энг кўпи  
Ва энг яхшилари Унга аталган.

## В И С О Л

Сен келдинг ниҳоят, қаламқош!  
Шукур, насиб этди висолинг...  
...Нигоҳимга беролмай бардош,  
Кўзларингни панага олдинг.

Сенга термуламан маҳлиё  
Ёноқларинг ёнар ҳаёдан.  
Муҳаббатим билан бахтиёр,  
Рақс этияпсан ҳаёлан.

Араз бордай қиёфангда сал,  
Муҳаббатинг бордай юракда...  
...Сен худди ўзингга ўхшайсан,  
Дугонанг кўрсатган суратда.

\* \* \*

Кўзларингга термуламан мен,  
Кўзларингда бир бутун олам.  
Кўзларингда айланар замин  
Дарди, ғами, шодлиги билан.

Кўзларингга термуламан лол.  
Кўзларингда бир олам тақдир:  
Кимни кутар ёрқин истиқбол,  
Кимни кутар ҳақорат, таҳқир.

Кўзларимга термуласан сен.  
Кўзларимда бутун бир олам:  
Ҳаёт, ҳаёт — қандай бўлмасин,  
Одам, одам...ҳар жойда одам.

Узоқ-узоқ ҳижронда толиб  
Термулишсак учрашган дамлар,  
Ўзимиз бир чеккада қолиб,  
Сўзлашади ўзга одамлар.

\* \* \*

Бу оқшом кўзларинг сингари теран,  
Сочларинг сингари мулойим.  
Бу оқшом ўзингдай эрка ва беғам,  
Ҳам ўзингдай оромга мойил.

Бу оқшом нафасинг сингари илиқ,  
Бўсангдай оловли, табаррук.  
Бу оқшом ўзингдай суйгулик,  
Симириб қўйгулик,  
Тасаддуқ!

Бу оқшом васлингдай ҳаётбахш, қисқа,  
Ҳажрингдай беадоқ, беадад.  
Бу оқшом ўзингдай оромижон ва  
Ўзингдай беаёв,  
Бешафқат.

Бу оқшом кўчангда илк бор тентираб  
Юрган кунимданоқ муқаррар.

Бу оқшом —  
Ҳар оқшом каби сен билан...  
Сенинг ёдинг билан  
Мунаввар.

\* \* \*

— Ёлғизим, — дер эди онаси уни,  
— Ёлғизим, — дер эди ўзин унутиб.  
Онасини ташлаб кетди бир кун,  
Кетди суйганининг қўлини тутиб.

Энди-чи, йўл қарар кўзлари толиб,  
Рашк билан ардоқлар бўй етган қизин.  
Ва мунгли пичирлар: «Не кечар ҳолим,  
Ташлаб кетсанг бир кун мени, ёлғизим?..»



\* \* \*

Кўзларингга ўхшайди бу тун:  
Қоп-қора. Афсунгар. Бераҳм.  
Кўзларингни қўмсайди бу тун  
Уқларингга нишон юрагим.

Бу тун кўзларингга ўхшайди:  
Ишқ бўстони — дилбар ва маъсум.  
Чўкса чўксин борлиққа, майли,  
Бу тун кўзларингга чўкмасин.

\* \* \*

Термуласан кимнинг йўлига,  
Шахло кўзлар кимга интизор?  
Ташна, маъсум қалбинг тўрида —  
Айт-чи, гўзал,  
Кимнинг ишқи бор?  
...Кўз тутганинг,  
Шунча кутганинг  
Қолармикан ёнингда тамом?  
Ё қисқами висол муҳлати,  
У этарми йўлида давом?

Уэр сўраб қўяй олдиндан,  
Гапларимдан сен хафа бўлма.  
Олиб қолма уни олдингда,  
Давом этсин —  
Майлига,  
Йўлда...

Висол дами оз бўлсин, майли,  
Майли,  
Ўртан ҳижронда,

Аmmo,  
Фақат сенинг васлинг туфайли  
Йўли тугаб қолса-чи,  
Ёмон...

Сен  
Йўлининг охири бўлма..

\* \* \*

Юрагим ётибди қўлларингда,  
Типирлаб ётибди юрагим.  
У оташ. У олов — ўйларинг-ла,  
Сен уни ранжитиб юрагин.

У менинг юрагим — олтин соққа,  
Қўйиб бер, кафтингда ўйнасин.  
Аммо бирон безак, тақинчоққа  
Уни айирбошлаб қўйма сен.

Гул эмас тутганинг, бошқа нарса,  
У менинг юрагим, тентагим.  
Гул каби ғижимлаб, қовжираса, —  
Кўча-кўйга ташлаб кетмагин...

\* \* \*

Баҳор оқшомида ўйноқлар сабо,  
Қизғин суҳбат қураб япроқлар жўшиб,  
Сенинг ёдинг билан кезаман,  
Аммо —

Сенга атаб ёзмайман қўшиқ.  
Баҳор оқшомининг мусиқийлиги  
Лол этар тенги йўқ бастакорни ҳам...  
Ёдинг билан тонгни кутаман,  
Лекин —

Сенга атаб қўшиқ ёзмайман.  
Тунлар,  
Кунлар ўтар қувиб бир-бирин,  
Ҳижрон биёбони маскандир менга...  
Тунлар йиғласам ҳам ёлғиз ўлтириб,  
Қўшиқ атамайман мен сенга.

Ишқинг кундуз қуёш,  
Тунлари маёқ,  
Қанийди бир бора меҳрингни ичсам!..  
Ёдинг билан умрим ўтади,  
Бироқ —

Сенга атаб қўшиқ ёзмайман ҳеч ҳам...

\* \* \*

(Этюд)

Юксакликка қараб ўрмалайди йўл,  
Мен ҳам ўрмалайман унга эргашиб.  
Эгилиб, буралиб кўтарилар ул,  
Борар тўқсон яшар чолдай энгашиб.

Юксакликдан ортга боқаман энди:  
Йўл ўзгача тамом, чарчоқ унга ёт.  
Боладай ўйноқлаб югурар, мени —  
Юксакликка олиб чиққанига шод.

\* \* \*

(Дўстимнинг альбомига)

Майли, черт дуторни, куйлагин ҳазин,  
Майли, ошиқ дилин тингласин олам.  
Майли, ғаминг билан торлар йиғласин,  
Фақат сен йиғлама,  
Йиғлама ҳеч ҳам.

Ҳар оқшом дуторинг олиб қўлингга,  
Куйлайвер астойдил бўлсанг интизор.  
Қўшиғинг поёндоз бўлур йўлига,  
Жамолин кўрсатар ахир бир кун ёр.

У келар астойдил бўлсанг интизор...



## ҚОРХАТ

... га

(Ҳазил)

Илк қор ёғди,  
Ердаги яра —  
Изларини йўқотди буткул.  
Рухсат беринг,  
Мен ҳам бир карра —  
Қорхат ёзай,  
Тинчлансин кўнгил.  
Элда гарчи зиёфат одат,  
Сўраганим бу эмас сиздан.  
Шундай нарса сўрарки қорхат,  
Камаймайди давлатингиздан..  
Шу ёққан илк қор қалбингизда  
Уйғотса-ю инсофдан нишон,  
Менинг учун бас, лабингизда —  
Бир табассум бўлса намоён..  
  
Элда гарчи зиёфат расм,  
Сўраганим битта табассум...

\* \* \*

Сен нафақат султондирсан юракда,  
Сен — орзумсан, юлдузлардай юксакда,  
Сен — ўйларим, мени олиб кетасан,  
Гоҳ қувонч, гоҳ ғамга солиб кетасан.  
Сен — армоним, тоғдай буюк ва суюк,  
Сен оромим, токи сен йўқ, ором йўқ.  
Сен — уйқумсан, сен йўқсанки, уйқум йўқ,  
Сен — уйимсан, сен йўқсанки, уйим йўқ.  
Сен — ўзимсан, йўқсан, мендан йўқ асар,  
На бўларди ёр, бир бора йўқласанг!  
Мунча узоқ қолиб кетма йироқда,  
Сен нафақат султондирсан юракда...

\* \* \*

Баъзан шеърларимга аралашса Раъно,  
Дўстлар ҳаргиз мени айбламанг.  
У мендан вафосин аяган, аммо,  
Муҳаббат мулкига султон айлаган.

Бир чаман яратмоқ шу мулк узра,  
Рангба-ранг гуллардан эккум саралаб.  
Шулар ичра Раъно, ташлансаю кўзга,  
Бўйи димоқ ёрса, дўстлар не ажаб...

\* \* \*

Қисқа умр кўрди пилла қурти,  
Фақат йигирма кун яшади.  
Аммо, намунали умр кўрди,  
Ипакка ўради жасадин.

\* \* \*

Бир даста райҳон  
Қовжираб ётур.  
Аммо у ҳамон  
Таратур атр.

## МУНДАРИЖА

«Қорли тоғ ортида» . . . . .	5
«Ноз уйқудан турган...» . . . . .	6
«Йўл...» . . . . .	7
«Қаддин баланд тутиб...» . . . . .	8
«Ўйноқлайди шамол...» . . . . .	10
«Бу йўллар...» . . . . .	11
«Қиз боладай яшнар қизғалдоқ» . . . . .	12
«Уларнинг қонлари...» . . . . .	13
«Ҳали тонг йўлини...» . . . . .	14
«Кўклам...» . . . . .	15
«Ҳеч тушмасин дейман нуқтага кўзим»	16
Биз нақадар ёш эдик . . . . .	17
«Мени кўрди деган заҳоти» . . . . .	19
Бухоро . . . . .	20
«Ҳаёт — китоб демак» . . . . .	22
«Кел...» . . . . .	23
«Гулхан ловиллайди...» . . . . .	24
«Яна келди баҳор...» . . . . .	25
«Уфқ алвон» . . . . .	26
«Соат чиқиллайди...» . . . . .	27
«Ўғлини етаклаб ўтади қўшним» . . . . .	28
«Ғир-ғир эсар дарёдан шамол» . . . . .	29
«Қайноқ ёз ўрнини...» . . . . .	30
«Соҳилдаги бир шамшод терак» . . . . .	31
«Хонанда куйлайди...» . . . . .	32
«Бир оташин бўса...» . . . . .	33

«Қадрламади У шоир севгисин» . . . . .	35
Висол . . . . .	36
«Кўзларингга термуламан мен...» . . . . .	37
«Бу оқшом...» . . . . .	38
«Елғизим,— дер эди онаси уни» . . . . .	40
«Кўзларингга ўхшайди бу тун» . . . . .	41
«Термуласан кимнинг йўлига» . . . . .	42
«Юрагим ётибди қўлларингда» . . . . .	44
«Баҳор оқшомида ўйноқлар сабо» . . . . .	45
«Юксакликка қараб ўрмалайди йўл» . . . . .	47
«Майли, черт дуторни» . . . . .	48
Қорхат . . . . .	49
«Сен нафақат султондирсан юракда» . . . . .	50
«Баъзан шеърларимга аралашса Раъно» . . . . .	51
«Қисқа умр кўрди пилла қурти» . . . . .	52
«Бир даста райҳон» . . . . .	53

*На узбекском языке*

МАШРАБ БАБАЕВ

ПИСЬМО К МАТЕРИ

Стихи

*Издательство „Ёш гвардия“ — Ташкент — 1971*

Редактор *М. Ҳайдаров*  
Рассом *А. Мазитов*  
Расмлар редактори *К. Назаров*  
Техн. редактор *Л. Шишикина*  
Корректор *М. Рустамов*

Босмахонага берилди 25/V-1971 й. Босишга  
рухсат этилди 21/XII-1971 й. Формати 60×90<sub>1/32</sub>.  
Босма листи 1,75. Шартли босма листи 1,75.  
Нашр листи 0,93, Тиражи 10000. P-18839.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети „Ёш  
гвардия“ нашриёти, Тошкент, Навоий кўча-  
си, 30. Шартнома № 41-68. Қоғоз № 2.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети  
нашриётининг босмахонаси. Тошкент, „Правда  
Востока“ кўчаси, 26. Заказ № 618. Баҳоси 9 т.